



РУССЛАВБАНК АТБ (ЎАЖ)



Тасдиқланган

АТБ “РУССЛАВБАНК” (ЎАЖ) буйруғи билан

№ 205 сонли 2013 йил 26 июндаги,

2013 йил 15 июлдан кучга киради

“РУССЛАВБАНК” АТБ (ЎАЖ), Москва ш.

ПБК/0713-сонли ОФЕРТА

1. Ушбу билан “РУССЛАВБАНК” АТБ (ЎАЖ) **CONTACT** Тизими Оператори сифатида **CONTACT** Тизимининг Россия Федерациясининг резидентлари бўлган иштирокчиларига **CONTACT** Тизими орқали ўказмаларни амалга оширишда қуйида баён қилинган шартлар асосида миждозлар – жисмоний шахсларни идентификация қилиш тўғрисидаги шартномани расмий равишда таклиф қилади.

2. Мазкур офертада фойдаланиладиган терминлар ва тушунчалар **CONTACT** Тизими (бундан буён – Тизим) Қоидаларида баён қилинган маъноларни билдиради. Тизим Қоидалари Тизимнинг интернет тармоғидаги www.contact-sys.com манзили бўйича жойлашган расмий сайтида чоп қилинади.

3. Шартнома мавзуси:

Тизим Оператори **CONTACT** Тизими иштирокчиларига **CONTACT** Тизими орқали банк ҳисобварағи очмасдан туриб пул ўтказмаларини амалга ошириш мақсадида миждозлар – жисмоний шахсларни идентификация қилишни ўтказишни топширади:

- Жисмоний шахслар томонидан “РУССЛАВБАНК АВВАЛДАН ТЎЛОВ КАРТАСИ, ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ БИЛАН ТЎЛДИРИШ” ўтказмасини амалга оширишда ўтказмани қабул қилиш вақтида пул маблағларининг Олувчиси бўлган “РУССЛАВБАНК” АТБ (ЎАЖ) фойдасига;

4. **CONTACT** Тизими Иштирокчиси “РУССЛАВБАНК” АТБ (ЎАЖ) “РУССЛАВБАНК АВВАЛДАН ТЎЛОВ КАРТАСИ, ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ БИЛАН ТЎЛДИРИШ” фойдасига пул маблағларининг биринчи ўтказмасини амалга ошириш ва жисмоний шахснинг идентификацион маълумотларни Тизим Операторига беришда мазкур офертани акцепт қилади.

5. Офертани акцепт қилиш рад этилган ҳолларда **CONTACT** Тизими Иштирокчиси “РУССЛАВБАНК” АТБ (ЎАЖ) **CONTACT** сотув каналларини бошқариш Департаменти манзили - ddps@ruslavbank.com ҳамда (+7 495) 799 56 24 рақами бўйича факс орқали сканер қилинган кўринишдаги хатни юбориши керак. Хат Иштирокчи бланкида Иштирокчи раҳбарининг имзоси билан расмийлаштирилади, Иштирокчининг муҳри билан тасдиқланади.

6. **CONTACT** Тизими Иштирокчиси “РУССЛАВБАНК АВВАЛДАН ТЎЛОВ КАРТАСИ, ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ БИЛАН ТЎЛДИРИШ” операциясини амалга оширишда миждозни идентификация қилишнинг соддалаштирилган шаклини амалга ошириши шарт.

6.1. Мазкур оферта мақсадларида идентификация қилиш деганда миждоз тўғрисидаги маълум маълумотларни аниқлаш, ҳужжатларнинг асл нусхалари ва (ёки) тегишли тарзда тасдиқланган нусхаларидан фойдаланган ҳолда ушбу маълумотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш бўйича чора-тадбирлар тўпламидир.

6.2. Миждоз томонидан “РУССЛАВБАНК АВВАЛДАН ТЎЛОВ КАРТАСИ, ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ БИЛАН ТЎЛДИРИШ” ўтказмасини бажариш мақсадида мурожаат қилинганда **CONTACT** Тизими Иштирокчиси ўтказма суммасидан қатъий назар қуйидагиларни бажариши шарт:

- миждоздан шахсни тасдиқловчи ҳужжатни сўраш ва олиш;
- шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида миждоз тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш:
- фамилияси, исми, ва отасининг исми (агар қонун ёки миллий одатда бошқача кўзда тутилмаган бўлса),
- туғилган санаси,
- туғилган жойи,
- шахсни тасдиқловчи ҳужжат реквизитлари,
- доимий яшаш (рўйхатга олиш) жойи ёки вақтинчалик яшаш жойи*

*доимий яшаш (рўйхатга олиш) жойи ёки вақтинчалик яшаш жойини миждоз сўзларидан аниқлашга йўл қўйилади;

- олинган маълумотларни қайд қилиш:
 - махсус дастурий таъминотда, жумладан **CONTACT** Тизими орқали операцияларни амалга оширишда Тизим Оператори билан ўзаро алоқа қилиш учун фойдаланиладиган **CONTACT** дастурий таъминотида.
 - қоғозда – мижознинг пул маблағлари ўтказиш тўғрисидаги аризасида;
 - ҳақиқий вақтлар режимида операцияларни амалга оширишда олинган маълумотларни **CONTACT** Тизими орқали операцияларни амалга оширишда фойдаланиладиган мувофиқлаштирилган алоқа каналлари бўйича Тизим Операторига бериш;
 - мижознинг пул маблағларини ўтказиш тўғрисидаги аризасини ўтказма амалга оширилган санадан бошлаб камида 5 йил сақлаш;
 - мижоз томонидан шахсни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш рад этилган ҳолларда операцияни ўтказишни рад қилиш.
7. Хизмат кўрсатиш учун қабул қилинган мижозлар аниқланган ҳолларда Иштирокчи ҳисобварақ очмасдан операцияни ўтказишни рад қилиши шарт:
- хорижлик жамоатчилик лавозимларидаги мансабдор шахслар ёки уларнинг қариндошлари ҳамда хорижлик жамоатчилик лавозимларидаги мансабдор шахслар манфаатлари йўлида фаолият олиб борувчи шахслар,
 - Нодавлат/диний/хайрия/хорижий нодавлат ноижорат ташкилотининг (унинг РФ ҳудудидаги ваколатхонаси/филиалининг) раҳбарлари ёки таъсисчилари ёки шундай ташкилотларнинг манфаатлари учун фаолият олиб борувчи шахслар,
 - Халқаро жамоатчилик ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда РФ даги тайинланиши ва лавозимидан озод қилиниши РФ Президенти ёки РФ Ҳукумати томонидан амалга ошириладиган ва РФ томонидан белгиланадиган лавозимлар рўйхатига киритилган лавозимларни эгаллаб турувчи ваколатли шахслар,
 - Яқин қариндошлари экстремистик ва террористик фаолиятига алоқадор бўлган шахсларнинг расмий рўйхатига киритилган шахсларнинг яқин қариндошлари.

Операция Иштирокчи томонидан мижоз ҳисобварағидан уни ўтказиш мумкинлиги тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган ҳолларда амалга оширилади. Бунда мазкур оферта қоидалари кўрсатилган операцияга нисбатан қўлланилмайди.

8. “РУССЛАВБАНК АВВАЛДАН ТЎЛОВ КАРТАСИ, ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ БИЛАН ТЎЛДИРИШ” ўтказмасини амалга ошираётган шахслар орасида уларнинг экстремистик ва террористик фаолиятига алоқадор эканлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган мижозлар аниқланган ҳолларда операцияни тўхтатиш ва бу тўғрисидаги маълумотларни ваколатли органга бериш Тизим Операторининг мажбурияти ҳисобланади.
9. Тизим Оператори идентификация қилиш бўйича Федерал қонунчилик билан ўрнатилган ва унга мувофиқ меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар билан қабул қилинган талабларга амал қилиниши учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.
10. Тизим Иштирокчиси идентификация қилиш бўйича ўрнатилган талабларга амал қилмаганлик учун Федерал қонунчилик ҳамда мазкур шартномага мувофиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.
11. Тизим Иштирокчиси томонидан идентификация қилиш бўйича ўрнатилган талабларга амал қилинмаган ҳолларда Тизим Оператори мазкур офертани бажаришни бир томонлама тартибда рад қилиши мумкин.
12. Тизим Оператори Россия Банкига у томонидан белгиланган тартибда мазкур офертани акцепт қилган Тизим Иштирокчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.
13. Тизим Иштирокчиси ва Тизим Операторининг ҳар бири 07.08.2001 йилдаги 115-ФҚ-сонли “ЖИНОЙИ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА (ТОЗАЛАШГА) ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ”ги Федерал қонуни доирасида ўзларининг бошқа ҳуқуқларининг мустақил тарзда амалга ошириши ҳамда ўзларининг мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган тadbирларни амалга ошириши шарт.
14. Жисмоний шахс томонидан “РУССЛАВБАНК АВВАЛДАН ТЎЛОВ КАРТАСИ, ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ БИЛАН ТЎЛДИРИШ” ўтказмасини амалга оширишда Иштирокчи Тизим Оператори томонидан CONTACT Тизими орқали пул маблағларининг Олувчиси бўлган “РУССЛАВБАНК” АТБ (ЁАЖ) фойдасига пул маблағларини ўтказишни амалга оширганлик учун ўрнатилган мукофотни олади. Иштирокчининг воситачилик мукофоти ҳажми тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги манзил бўйича сайтнинг ёпиқ қисмига жйолаштирилган: www.contact-sys.com.
15. Жисмоний шахс томонидан “РУССЛАВБАНК АВВАЛДАН ТЎЛОВ КАРТАСИ, ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ БИЛАН ТЎЛДИРИШ” ўтказмасини амалга оширишда Тизим Оператори томонидан **CONTACT** Тизими орқали пул маблағларининг Олувчиси бўлган “РУССЛАВБАНК” АТБ (ЁАЖ) фойдасига пул маблағларини ўтказишни амалга оширганлик учун Иштирокчи жисмоний шахсдан воситачилик мукофотини олиш ҳуқуқига эга эмас.

Мазкур оферта номаълум муддатга амал қилади. Банк бир томонлама тартибда офертани бекор қилиши ёки ушбу Оферта шартларига ўзгартиришлар киритишга ҳуқуқига эга, бу тўғрисида CONTACT Тизими

Иштирокчилари - РФ резидентларини, жумлдан тегишли маълумотларни қуйидаги манзил бўйича сайтнинг ёпиқ қисмига жойлаштирилган ҳолда хабардор қилади: www.contact-sys.com.

Банк реквизитлари: Асосий давлат рўйхати рақами: 1027739837366. Банк операцияларни амалга ошириш учун лицензия рақами 1073. **CONTACT** Тўлов Тизими Операторини рўйхатга олиш рақами: 0001. Жойлашган манзили: 119049, Москва ш., Донская кўч., 14 уй, қур.2. СТИР 7706193043. БИК 044579685, вакиллик ҳисобварағи: 30101810700000000685, Россия Банки МГТУ 4-сонли Бўлинмаси. **24 соатлик ахборот хизмати телефон рақами:** (495) 799-5626, 8-800-200-4242. Россия бўйича қўнғироқ бепул, **Факс:** (495) 232-0295.